Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2019 йил 9 февраль • шанба • № 21 (4150)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Қарор ва ижро

Инсон қадри азиз бу юртда

Қашқадарё вилояти

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида уй-жой, маиший техника жиҳозларига эҳтиёжи бор, яшаш жойларини таъмирлашда, тиббий хизмат борасида амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланиб, аҳолининг кам таъминланган тоифаларига беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ Қашқадарё вилоятида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«БИЗНИНГ ҲАМ ЎЗ УЙИМИЗ БОР...»

Ушбу манзилли дастурларга мувофиқ, Шаҳрисабз шаҳри ва туманида 50 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойи таъмирлаб берилди. 140 нафар кам таъминланган оила эса маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, 9 нафар уй-жойга муҳтож фуқарога янги уйларнинг калити топширилди.

...«Дўстлик» маҳалласида «Сун-Жавоҳир-Кеш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан қуриб битказилган икки қаватли уй бугун ўзгача файзга бурканган.

Хонадон соҳибларига янги уйларнинг калитларини топширар экан, Қашқадарё вилояти ҳокими Зафар Рўзиев ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ўзларининг энг самимий тилакларини изҳор қилишди.

– Шаҳрисабз туманининг энг чекка Кўл қишлоғидаги авария ҳолатига келиб қолган уйда онам, икки укам, турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан яшаб келаётгандик, – дейди янги уй соҳибларидан бири Қудрат Муртазоев. – Ўзим биринчи гуруҳ ногирониман. Касаба уюшма ва маҳалла фаоллари хонадонма-хонадон юриб, бизнинг муаммоларимиздан ҳам хабардор бўлишди. Мутасадди раҳбарларнинг хулосасига кўра, Президент қарорига асосан уй билан таъминландим. Шаҳрисабз тумани ҳокимлиги томонидан газ плита ҳам берилди. Бутун оиламиз билан эътибор ва ғамхўрлик учун ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

2 ▸

КУН НАФАСИ

«Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

***

«Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди. Унга кўра Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

uza.uz

***

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори эълон қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

***

«Эркин иқтисодий ва кичик саноат раҳбар ходимлари ва мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

***

Ирода Тўлаганова Ўзбекистон теннис федерацияси бош котиби лавозимига тайинланди.

Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати

***

Ўзбекистонда **Медиаомбудсман** институти таъсис этилади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги матбуот хизмати

***

2019 йилдан бошлаб барча олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжат топшириш **Давлат хизматлари марказлари** орқали амалга оширилади.

uza.uz

***

Тошкент шаҳрида **қўл жанги бўйича** ўсмирлар ва катталар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати

***

Ўзбекистонда илк маротаба **хоккей бўйича чемпионат** бошланди. У жорий йилнинг 17 март куни якунланади.

МОҚ матбуот хизмати

***

Эндиликда тадбиркорликка қизиққан ёшлар бизнес ҳақида керакли билимларга эга бўлиши, ёш тадбиркорлар эса ўзларини қийнаган саволларга жавоб олиш учун ҳудудларда ташкил этилаётган **коворкинг марказларига** мурожаат қилиши мумкин.

uza.uz

***

Миллий ва хорижий кинокомпаниялар билан ҳамкорликда фильм ишлаб чиқаришни **давлат томонидан молиялаштириш** тартиби белгиланди.

norma.uz

***

Озарбойжоннинг «Матанат А» компанияси Қамаши туманида замонавий **қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи** завод қуради.

gazeta.uz

***

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм «Россия-Культура» телеканалида 17 февраль куни намойиш этилади.

xabar.uz

***

IV Бутунроссия ментал арифметика мусобақасида ҳамюртимиз **Муҳаммадюсуф Анваров** олтин медаль ва кубокни қўлга киритди.

Жаҳон ахборот агентлиги

***

Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайернинг Ўзбекистонга ташрифи** шу йил май ойига режалаштириляпти.

xabar.uz

***

Шу йилнинг 1 – 9 апрель кунлари аёллар футболи бўйича **Токио-2020 олимпиадаси** саралаш баҳсларининг иккинчи босқич ўйинларига Ўзбекистон мезбонлик қилади.

uza.uz

***

2019 йил 19 – 20 февраль кунлари Тошкент шаҳрида **«Марказий Осиёда ўзаро муносабатлар: янги имкониятлар»** деб номланган халқаро конференция бўлиб ўтади.

Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

ishonch.uz сайтида **«Матбуот бонг уради!»** рукнида марказий нашрларда эълон қилинган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий мақолалар бериб борилаётган эди. Бу кутилган натижани бериб, муштарийларнинг ўзига хос эътирофларига сазовор бўлди. **Кўплаб талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда ҳудудлардаги, яъни вилоят, шаҳар ва туман нашрларида чоп этилаётган долзарб мавзудаги материалларни ҳам сайтда бериб боришга қарор қилдик.** Шу боис, ҳамкасбларимиздан ўз нашрлари саҳифаларида чоп этилган мақолаларни **xatlar@ishonch-doverie.uz** электрон почта манзилига юборишларини сўраймиз.

ҚАЛБ КЎЗИ СЎҚИРЛАР

ПЕШТАХТАЛАРДАГИ ЛАВҲАЛАР ёҳуд ажабтовур сўзларга «мукка»сидан кетаётганлар...

ҚОҒОЗДА ИШЛАР БЕШ, АМАЛДА ЭСА...

БИЗ НИМАНИ ОЗИҚЛАНТИРЯПМИЗ?

4 ▸

Тадбир

Навоий ижодига эҳтиром

«Чинобод санаторийси»да «Алишер Навоий меросининг инсон руҳий оламини даволашдаги беқиёс ўрни» мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Қаттиқ меҳнат жисмоний меҳнатдан устун туради. Ахборотнинг кўплиги, стресс омиллари, невроз, депрессия сабаб қонтомир касалликларига чалинаётганларни даволашда улуғ мутафаккирнинг ижод маҳсули қанчалар муҳим эканлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Тадбирда бу каби жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Табиат инъомлари – тоза ҳаво, сув, қуёш муолажаларидан тўғри фойдаланиш, асаб тизимини чиниқтириш, доим ҳаракатда бўлиш, уйқу гигиенаси ва фаол дам олишни тўғри йўлга қўйиш, ҳар кунги жисмоний тарбиядан сўнг танани чиниқтириш, доим яхши кайфиятда бўлиш, иммун тизими фаолиятини яхшилашга эътибор қаратиш борасидаги фикрлар барчада катта таассурот қолдирди. Навоий ижодига мурожаат қилган борки, бу каби

жиҳатлардан маънан даво топиши алоҳида таъкидланди.

Санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» АЖ маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

ДАВРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН АТАМА
ёҳуд «фуқаро» сўзи ҳақида мулоҳазалар

Келгуси сонларда ўқинг

ОШХОНАДАГИ ЭРКАКЛАР...

Келгуси сонларда ўқинг

Инсон қадри азиз бу юртда

1

– Уч фарзандимиз бор, – дейди Ҳулкар Эргашева. – Саккиз йилдан бери ижарама-ижара кўчиб юришлардан роса чарчагандик. Ҳатто ММТП биносида ҳам яшашимизга тўғри келди. Мана бизга ҳам уй насиб этди. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига оиламиз номидан чексиз ташаккур изҳор этамиз.

– Беш фарзандим билан аввал онамнинг каталакдек уйида яшардик, – дейди Гўзал Хуррамова. – Бугун ҳаётимдаги энг бахтли кун десам, асло муболаға эмас.

– Турмуш ўртоғим Муқаддам Бердиева иккинчи гуруҳ ногирони, – дейди Саид ака Мамадалиев. – Унинг хасталанганига 30 йилдан ошди. Етишмовчилик курсин, яхши даволатолмадим ҳам. Ўзим болалар боғчасида қоровул бўлиб ишлардим. Уйимиз торлиги учун шу ёқда ётиб юрардим. Уч хонали уйга кўчиб ўтдик. Қувончимнинг чеки йўқ.

Бу янги уй соҳиби бўлганларнинг дил сўзлари. Шу куни Шаҳрисабз шаҳри ҳокими қарори билан яна уч нафар уй-жойга муҳтож фуқарога ҳам янги уй калитлари топширилди.

«ЁРУҒ КУНЛАР УЧУН ШУКРОНА АЙТАМИЗ»

Қарши шаҳрида ҳам учта уйга эгалари кўчиб кирди.

– Кўп йиллар далада механизатор бўлиб ишладим, – дейди Маҳбуба Саидалимова. – Бригада бошлиғи бўлиб, Нишон чўлларини ўзлаштиришда қатнашдим, давлат режаларини ошириб бажардик. Меҳнатларим муносиб қадрланди.

Аммо тақдир мен учун оғир зарбалар, синовларни тайёрлаб қўйган экан. 2009 йилда икки нафар ўғлимдан айрилдим. 2017 йилда келинимни машина уриб кетди ва яна бир фарзандимдек бўлиб қолган инсондан ажрадим. Тўрт нафар набирам тарбияси ўзимга қолди.

Дардим ичимга сиғмай, вилоят ҳокими ҳузурига бордим ва навбатга ёзилиб, қабулига кирдим. Зафар Рўзиев дардларимни сабр билан тинглади, далда берди. Ёрдам берилишини айтди.

Бир куни уйимга маҳалла ва касаба уюшма фаоллари келиб, аҳволимизни ўрганишди, вазиятимизни теран англашди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳолининг кам таъминланган тоифаларига беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича тузилган ҳудудий дастурга кўра, бизнинг оиламизга ҳам уй-жой берилди. Шикаста дилларимиз ёришди, қалбимиздан йироқлашиб кетган қувонч мужда-лари қайтди. Бизга шодлик улашган барча инсонларга миннатдорлик билдириб, дуо қилишдан тўхтамайман...

– Беш нафар фарзандим бор, – дейди Шаҳло Убайдуллаева. – Уларнинг тўртови сил касалликлари диспансерида рўйхатда туради. Ўзим ҳам ногиронман. Шукр, бизнинг оиламиз учун ҳам ёруғ кунлар бор экан. Бошпанамиз йўқ эди, янги уй беришди. Мендай ожиза учун бу катта бахт-саодат. Насиб бўлса, болаларимга яхши тарбия бераман. Ватанини севадиган инсонлар қилиб вояга етказаман. Оиламизга рўшнолик олиб кирган давлатимиз раҳбарига, касаба уюшма фаолларига раҳмат!

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Бундай савобли ва хайрли тадбирлар Косон туманида ҳам давом этмоқда. Тўрт нафар эҳтиёжманд фуқарога янги уй берилди.

– Уйимиз йўқлиги учун хўжаликнинг эски ҳаммом биносида яшаб келардик, – дейди оила бекаси Дилсўз Эргашева. – Иккинчи гуруҳ ногиронман. Турмуш ўртоғим мавсумий ишларни бажариб юради. Бир қиз, икки ўғлимиз бор. Янги уйга кўчиб ўтар эканмиз, барчамизда ҳаётга, яшашга қизиқиш, иштиёқ ортди. Умидсизлик ўрнини ишонч эгаллади.

Шунингдек, Матлуба Турсунова, Саодат Арзиқулова, Шаҳло Холдорова сингари ҳамюртларимиз ҳам янги хонадонларга кўчиб ўтишди, ҳаёт лаҳзалари шодлик ва бахт зиёсидан чароғонлашди.

– Президентимизнинг қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йилда 6 нафар ётиб қолган беморга дори-дармон воситалари олиб берилди, – дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Косон тумани кенгаши раиси Шуҳрат Ортиқов. – 25 нафар фуқаронинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Маҳалла-маҳалла, уйма-уй юриб, 87 нафар кам таъминланган фуқаро рўйхати шакллантирилди. Улар орасидан энг ночор аҳволда яшайдиган, уй-жойга эҳтиёжи борлар манзилли дастурга мувофиқ, уй билан таъминланди.

– Инсонпарварлик, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ғамхўрлик одамларнинг кайфиятига, розилигига сабаб бўлмоқда, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев. – Бундай манзараларни кузатар эканмиз, ёруғ келажакка бўлган ишончимиз ортаверади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти туман ва бошланғич ташкилотлари тажрибаси асосида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда тармоқ корхона ва ташкилотларида ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий масалаларини ҳимоя қилиш борасида касаба уюшмаларининг ўрни, вазифалари ҳамда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз борди.

Номуҳим масаланинг ўзи йўқ

Таъкидландики, бошланғич ташкилотларда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлашда касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назорати йўлга қўйилгани натижасида бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олди олинаётир.

Семинарда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий бўлим бош мутахассиси Ш.Бегимқулова, Тошкент тумани кенгаши раиси Ж.Саидов, вилоят Бандлик бош бошқармаси Давлат техник инспектори Б.Камолов, вилоят Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси мутахассиси Г.Бекжонова, «Ўзагросуғурта» акциядорлик жамияти Тошкент вилояти филиали раиси А.Анорбоев маъруза қилди.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлашда долзарб бўлган масалалар, унда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ва унинг аҳамияти, иш вақтида жабрланган ходимларга меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасини белгилаш тартиблари, зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга шахслар, боқувчисини йўқотган шахсларга тўланадиган зарар тўловларини тўлаш тартиблари, меҳнат қонунчилиги ва тизимдаги корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида тушунтиришлар, шунингдек, семинар иштирокчиларининг саволларига жавоб берилди.

Семинар якунида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона ва ташкилотларда ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида яхши натижаларга эришган, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда иш берувчи билан ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйган касаба уюшмаси туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар раислари ҳамда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандисларига Республика кенгашининг ташаккурномалари топширилди.

Хуршид УМАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Самарқанд вилояти

Касаба уюшма фидойиси

Валиевни танийсизми?

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига 500 тадан ортиқ таклиф жўнатган Рустам Валиев ҳақида эшитганмисиз? Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг «Ижтимоий ҳимоя» бўлими мудири вазифасида ишлаганида тизим корхоналари амалиётида қўллаб келинаётган 5 га яқин имтиёз ва кафолатларни жамоа шартномасига киритган. Яна... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин.

Бундан бир неча йил илгари тузилмавий такомиллашув жараёни агросаноат мажмуи тизимида анча оғир кечди. Бир қанча ташкилотларда шу баҳона бўлиб бошланғич касаба қўмиталари тугатилди. Айримлари эса жамоат ташкилоти таркибидан силлиққина чиқиб кетиш тараддудига тушиб қолди. Айниқса, бу ҳолат Самарқанд шаҳридаги нодавлат ташкилотларда кўп эди. Шу боис шаҳарда тармоқ тузилмасини ташкил этишга қарор қилинди. Бу вазифа тугатилган тармоқ кенгашининг собиқ ходими Рустам Валиевга топширилди.

– Тизимда жорий этилган янги вазифани эгаллаган масъул ташкилотчи Нормурод ака билан иккимизга ўшанда анча қийин бўлганди, – дея хотирлайди Рустам Валиев. – Билсакки, кечагина ҳамкорлик қилиб келган бир қатор хусусий бизнес вакилларида бошқача тушунча пайдо бўлган экан. Улардан баъзилари «Энди тармоқ кенгаши тугаб кетди, биз ҳам касаба уюшмаларидан воз кечишга қарор қилдик», дея рўй-рост айтишгача борди. Тузилмани қайта тиклаб олгунча анчагина тер тўкишга тўғри келди.

Тармоқнинг янги раҳбари зиммасига жуда катта вазифа юклатилган эди. Тармоқ касаба уюшмаси сафини кенгайтириш, янги ташкилотларни тизимга қўшиш, жамоат ташкилотининг пасайиб кетган нуфузини ошириш лозим эди. Етакчининг ютуғи шунда бўлдики, у ёнига касаба уюшмаларида ишлаб пишиган, одамлар билан тил топа оладиган муносиб номзодни топди. Расул Суюнов хонада чўт қоқиб ўтирмасдан, раис билан баб-баробар елиб-югурди. Бошланғич ташкилотлар ҳам, аъзолар сони ҳам кундан кунга кўпайиб борди. Бир қатор хориж инвестицияси ҳисобига фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳам АСМ таркибидан муқим ўрин эгаллади.

Ана шундай қайноқ иш кетаётган бир пайтда кенгаш адлия идоралари эътирозига учради. Тизимда ўтказилаётган тадбирлар хусусида вилоят адлия бошқармасига ёзма маълумотлар киритмагани сабабли суд қарори билан тармоқ кенгаши раисига энг кам ойлик маошининг юз баробари миқдорида жарима қўлланилди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган етакчи бу ҳолатга жим қараб ўтирмади. Гарчанд билдирилган эътироз қонуний бўлса-да, йиллар давомида ижросини таъминлашнинг асоси ва низоми ишлаб чиқилмаганини судда исботлаб берди. Суд касаба уюшма етакчисини ҳақ деб топди ва қўлланилган жазони бекор қилди.

Тармоқ фаолиятини жонлантириш, аъзолар сонини кўпайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Самарқанд шаҳридаги 5 та йирик қўшма корхона сафга қўшилди. Биргина «Пульсар» қўшма корхонаси билан қарийб тўрт йил мобайнида музокара ўтказилди. Охир-оқибат хориж корхонаси тармоқ таркибида ўз бошланғичини ташкил этди. 2015 – 2016 йиллар натижаларига кўра АСМ Самарқанд шаҳар кенгаши барча натижалар рейтингида туман ва шаҳар кенгашлари орасида биринчи ўринга кўтарилди.

– Бундан олти-етти йил илгари Рустам ака бизнинг корхонада бўлган йиғилишда қатнашди, – дейди Зарафшон ИТҲБ қошидаги Насос станцияси ва энергетик бошқармаси бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Ёдгор Эгамбердиев. – Жамоат ташкилоти фаолиятига доир бир қатор таклифлар бердим. Шундан сўнг, у киши мени қўмита аъзолигига тавсия қилди. Олти-етти йил жамоат ташкилотининг жамоат ишларида қатнашиб юрдим. Ўтган йили корхонамизда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида раҳбарликка номзодим кўрсатилди. Ҳозирда касаба уюшмани бошқараяпман. Қойил қоладиган жойи, устоз ишлайдиган, меҳнатдан қочмайдиган фаол кишиларни дарҳол қанотига олади.

Тармоқ касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтган йиллар мобайнида 354 нафар касаба уюшма аъзолари мамлакатимизнинг турли шаҳарларига саёҳат қилди. 151 нафар саломатлигида нуқсон сезган ходимлар имтиёзли тарзда сиҳатгоҳларда дам олдирилди.

Йигирма йилдан буён касаба уюшмалари мавқеи, эътиборини ошириш, ходимларга муносиб иш ва турмуш шароити яратилишига ҳисса қўшиб келаётган Рустам Валиевнинг меҳнати кўп бор рағбатлантирилган. Ўтган йили у касаба уюшмаларининг бош мукофоти – «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

«Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик» шиорига амал қилаётган касаба уюшма ташкилотлари халқимиз ишончини қозонмоқда. Бугун фуқаролар касаба уюшмаларига суянмоқда.

...Танимаган бўлсангиз, таниб олинг: Рустам Валиев мана шундай одам!

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тошкент вилояти

Ёшлар масалалари эътиборда

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Ангрен шаҳар кенгашлари, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон шаҳар ва Оҳангарон тумани кенгашларининг Ёшлар бирлашмаларига амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатди.

Амалий ёрдам

Ушбу жараёнда ёшларга жамоа шартномалари орқали берилаётган имтиёзлар, ёш ходимларни касаба уюшмалари фаолиятига жалб қилиш, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ёш касаба уюшма аъзоларининг муаммо ва ташаббусларини ўрганиш борасидаги ишлар билан танишилди ва таклифлар берилди. Аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилди.

– Ҳужжатларнинг юритилиши, ўтказилган тадбирларнинг баённомалари ва фотоальбомлар, жамоа шартномасидаги «Ёшлар учун қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бўлимининг назорати ҳамда ўзимизни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан барча саволларга жавоб олдик, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Оҳангарон тумани кенгаши раиси Гулбаҳор Салимова. – Бунда бизга вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси Шаҳноза Аҳмедова яқиндан кўмаклашди.

Амалий ёрдам давомида ҳудудларда фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассисларига ёшлар бирлашмалари иш режаларини

Ёшларга оид сиёсатни амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига мувофиқлаштириш, жамоа шартномаларига ёшларнинг ижтимоий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган махсус бўлимлар киритиш, уларнинг бажарилишини назорат қилишга қаратилган ишларнинг мониторингини олиб бориш борасида бир қанча тавсиялар берилди.

Давронбек ОРИПОВ,
«Ishonch» мухбири

Семинар

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришларга бағишланди

Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқдаги кўп сонли корхона ва ташкилот раҳбар ва ҳисобчилари учун «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясидаги янгиликлар» мавзусида семинар ўтказди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тизимида ҳам кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш, солиқ ва мажбурий тўловларни қисқартириш, самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш мақсадида 2018 йилнинг 29 июнида «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Президент фармон қабул қилинган эди. Солиқларни ҳисоблашда жорий йилдан кучга кирган ўзгаришларга бағишланган семинарда ушбу фармондан келиб чиққан ҳолда солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлашга доир энг муҳим ўзгаришлар ҳақида тушунчалар берилди. Бюджетга тўланадиган суммаларни оптималлаштириш, пеня ва жарима санкцияларига тушиб қолмаслик учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида алоҳида маълумот берилди. Солиққа оид статистик ва қўшимча маълумотлар иштирокчиларга слайд кўринишида намойиш қилинди.

Семинарда қатнашчилар солиқ ҳисоботлари, янги таҳрирдаги ҳисоб фактура ҳамда корпоратив карталардан фойдаланишда ҳужжатларни расмийлаштириш каби ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга мутахассислардан тегишлича жавоб олишди.

Назокат НУРМАТОВА,
Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши ишлар бошқарувчиси

«Ishonch»га жавоб берадилар

Беш ой кутилган жавоб

Газетанинг 2018 йил 13 сентябрдаги 110-сонида «Ишонч телефонлари ИШОНЧлими?» сарлавҳали мақола чоп этилган ва у чора кўриш учун бир қатор вазирлик ҳамда идораларга, жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига жўнатилган эди. Бироқ орадан анча вақт ўтса-да, вазирлик томонидан танқидий мақолага жавоб бўлмади. Ниҳоят, таҳририят бу мавзуни қайта кун тартибига олиб чиқиб, мазкур ҳолатга Бош прокуратура аралашгач, қуйидагича муносабат билдирилди:

МОҲИЯТ: Ким ҳуқуқ, ким адолат? Лисича қафасдаги лисичанинг

«Ишонч телефонлари» ИШОНЧлими?

ДНК қаерда текширилади?
Ёхуд клонлаштирилган дарахтлар

Фаоллик рағбати

«Мақола муаллифи тизимда мавсум айни қизғин паллага кирган бир пайтда, абитуриентлар, талабалар ва уларнинг ота-оналарида саволлар туғилиши табиий бўлган шароитда вазирликнинг «Ишонч телефони» ишламаслигини танқид остига олган.

Мақолада кўтарилган масалалар вазирликнинг тегишли мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан, 10-06 қисқа рақами юртимиздаги узлуксиз таълим тизимининг барча иштирокчилари учун бирдек тегишли бўлиб, 10-06 қисқа рақамидан сўнг «3» рақами терилганда қўнғироқлар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига йўналтирилади. Бундан ташқари, «Ишонч телефони» орқали фуқаролар мурожаатлари қабул қилинаётган пайтда телефон қўнғироқларини қабул қилиб бўлмайди.

Вазирлик газета таҳририяти билан соҳага доир муштарийларни қизиқтирган мавзуларда таҳлилий материаллар тайёрлаш, улардан келиб тушадиган саволларга биргаликда тезкорлик билан жавоб қайтариш ҳамда газета саҳифаларида тизимда таълим сифатини ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни мунтазам ёритиб боришда ижодий ҳамкорлик қилишга доим тайёрлигини маълум қилади.»

Эълонлар

«SPARTAK KONSALTING» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ РИЭЛТОРЛИК ТАШКИЛОТИ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига «Бухородонмаҳсулотлари» АЖнинг 2019 йил 7 февралдаги буюртмахатига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда.

1. Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Работ Қалмоқ» ҚФЙ, Кўчкисафед қишлоғида жойлашган «Ишчи ходимлар дам олиш (дала шийпон) биноси. Умумий майдони 150,0м², қурилиш майдони 150,0м² ва фойдали майдони 142,7м². Бошланғич баҳоси – 183 877 701 сўм.

2. Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани, «Сармижон» ҚФЙ, Гаждумак қишлоғида жойлашган «Новвойхона» биноси. Умумий майдони 200,0м², қурилиш майдони 125,0м² ва фойдали майдони 125,0м². Бошланғич баҳоси – 338 709 122 сўм.

3. Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Газли шаҳри, А.Темур кўчасида жойлашган «Новвойхона биноси. Умумий майдони 1413,12м², қурилиш майдони 461,92м² ва фойдали майдони 461,21м². Баҳоси – 146 888 915 сўм.

4. Бухоро шаҳри, О.Эшонов кўчасида жойлашган «Тонг юлдузи» новвойхона биноси. Умумий майдони 356,0м², қурилиш майдони 355,8м² ва фойдали майдони 653,97м². Бошланғич баҳоси – 297 246 379 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Аукцион савдолари 2019 йил 16 март куни, соат 11:00 да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтади.

Буюртманомаларни қабул қилиш – 2019 йил 15 март куни, соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион ғолибига савдо ўтган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида бинога бўлган ҳуқуқни тасарруф қилиш бўйича олди-сотди шартномасини тузиш ҳамда олди-сотди шартномасига асосан мулк учун тўловларни амалга ошириш юклатилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси – паспорт нусхаси;

– хорижий юридик шахслар уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси:

– хорижий фуқоролар – чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт;

– Ўзбекистон Республикасида доимий ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар яшаш гувоҳномаси нусхаси;

– юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Мазкур бинолар 2019 йил 16 март куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда биноларнинг такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 23-30 март, 2019 йилнинг 6,13, 20, 27 апрель ва 4,11,18, 25 май кунлари, соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин 18:00 да тўхтатилади.

Буюртманомалар иш кунлари (яъни шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо кунига қадар «Spartak konsalting» масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳри «Ипотека банк» Сардор филиали қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000804942181001, МФО: 00119, СТИР: 302131286. **Манзил:** Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 12-уй. **Тел.:** (0365) 221-51-81, **e-mail: spartak-konsultinq@umail.uz. Веб-сайт: www.sk7.uz.**

Лицензия: RR-0079

Тошкент шаҳар Учтепа тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан Учтепа тумани, 2-тор Тўқимачи, 54-уй учун Талибджанов Тохир номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Янгийўл тумани филиали томонидан Янгийўл тумани, «Тинчлик» Қ.Ф.Й, «Чангтепа» маҳалласи, Анҳор бўйи кўчаси, 6-уй учун Сайдувалиева Мавжуда (марҳума) номига берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-05

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 9 февраль

Тендер таклифларини тақдим этиш учун охирги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд вилояти	Тошкент вилояти
Манзил: Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 59-«А»	**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-уй	**Манзил:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,18-уй.
Телефон: 61 222-74-12	**Телефон:** 66 233-50-76	**Телефон:** 71 241-15-37
Факс: 61 222-74-12	**Факс:** 66 231-13-51	**Факс:** 71 241-15-26

5. Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____вилояти, _____тумани, _____массивидаги, _____ лот ____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сурайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

Қорақалпоғистон Республикаси	Самарқанд вилояти	Тошкент вилояти
Банк: «Капиталбанк» АТБнинг Нукус филиали,	**Банк:** «Алоқа банк» АТБнинг Самарқанд филиали,	**Банк:** «Азия Алянс Банк» АТБнинг Олмазор филиали,
ИНН: 202 610 040,	**ИНН:** 202 427 054	**ИНН:** 300 017 720,
ҳ/р: 2021 0000 9039 5251 8001	**ҳ/р:** 2021 0000 8037 8332 9001	**ҳ/р:** 2021 0000 5045 4602 7001

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:
Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.
Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача:
Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.
Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охирги кунида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	Самарқанд вилояти ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Нукус шаҳри, Ғарезсизлик кўчаси, 50-уй	**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй	**Манзил:** Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй
Телефон: 61 222-74-12	**Телефон:** 66 233-25-93	**Телефон:** 71 232-80-47
Факс: 61 222-74-12	**Факс:** 66 233-25-93	**Факс:** 71 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.
Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	тўрт қаватли 2-3 хонали уйлар			бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га)		Таклифларни топширишнинг охирги муддати
				сони	хонадон	уй рақами	сони	уй рақами	
	ЖАМИ		**152**				**152**		
	Қорақалпоғистон Республикаси		**24**				**24**		
483	Қўнғирот	Қорақалпоғистон	24				24	1-24	2019 йил 11 март 11:00
	Самарқанд вилояти		**38**				**38**		
484	Булунғур	Ғўбдин	8				8	1-8	2019 йил 11 март 11:00
485	Булунғур	Ғўбдин	8				8	9-16	2019 йил 11 март 11:00
486	Булунғур	Ғўбдин	8				8	17-24	2019 йил 11 март 11:00
487	Булунғур	Ғўбдин	8				8	25-32	2019 йил 11 март 11:00
488	Булунғур	Ғўбдин	6				6	33-38	2019 йил 11 март 11:00
	Тошкент вилояти		**90**				**90**		
489	Бўстонлиқ	Қоранқўл	10				10	1-10	2019 йил 11 март 11:00
490	Зангиота	Бўзсув	10				10	1-10	2019 йил 11 март 11:00
491	Зангиота	Бўзсув	10				10	11-20	2019 йил 11 март 11:00
492	Қуйичирчиқ	Сурум	10				10	1-10	2019 йил 11 март 11:30
493	Паркент	Қорақалпоқ	10				10	1-10	2019 йил 11 март 12:00
494	Паркент	Қорақалпоқ	10				10	11 -20	2019 йил 11 март 12:00
495	Тошкент	Тўлабий	8				8	1-8	2019 йил 11 март 12:30
496	Тошкент	Тўлабий	12				12	9-20	2019 йил 11 март 12:30
497	Янгийўл	Қуш-Ёғоч	10				10	1-10	2019 йил 11 март 12:30

«Жаҳон меҳробида пайдо Алишер...»

Ҳамма даврларда буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг юксак бадиият уммони шоир-у адибларга ўзгача илҳом бахш этган. Шул сабаб улуғ шоирга ғазалларига мухаммаслар боғлаш кўнгил фарзига айланган. Алишер Навоий таваллуд айёмида улуғ мутафаккир шоирга эҳтиром намунаси сифатида ўзбек шеъриятининг ёрқин намояндалари пири комил ғазалларига боғлаган мухаммаслардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Муҳаммад Ризо ОГАҲИЙ

Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас

Фалакким эҳшилар базмида қадримни баланд этмас,
Дами йўқким ямонлар мажмаида мустаманд этмас,
Бу ҳасратдин кўзим ашки йўлин бир лаҳза банд этмас,
Мани ман истаган ўз суҳбатига арҳумманд этмас,
Мани истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.

Фиғонким даҳру дун ишра рафиқи топмадим оғаҳ,
Каён боқсам бўлурлар ғулвашлар ҳамдаму ҳамраҳ,
Тиллар баҳра мандин, мен тилаб топман, биридин, ваҳ,
На баҳра, топгоман ондинки мандин истагай баҳра,
Ани ҳам баҳраманд ўлмас,мани ҳам баҳраманд этмас.

Кўзи заҳри эса ҳар неҳаким мойил мамотимга,
Лаби шаҳди эди рағиб ўлимдин ҳам нажотимга,
Бу дам воасил эмон ул қотили Исо сифотимга,
Нетой ҳуру пари базмиики қатлим ё ҳаётимга,
Ани ул заҳр чашм айлаб ниҳон бу нўш ханд этмас.

Ишқо олмай кўнгул ҳайрондур усру шому фурқатдин,
Тўкар ашкини кўз ҳам интизори субҳ, васлатдин,
Ичожи бўлмаса ул маҳваши хуршид талъатдин,
Керакмас ой ила кун шакликим ҳусну малоҳатдин,
Ким ул чок-чок этмас,таним бу банд-банд этмас.

Бугун чобаклар ишра йўқ эди ул шаҳсувворимким,
Биримни қилмади манзур чашми ашкборимким,
Губор осо нетинг гар қолмаса сабру қароримким,
Керак ўз чобаку қотилвашу мажнун ишоримким,
Будуқ кўнглимдин ўзга ерда жавлон саманд этмас.

Савод зулфини кўргач юмар Оғаҳий тун деб кўз,
Юзига нозир ўлгач ҳам тутар кўл бирла кун деб кўз,
Кўнгул, ҳайратга қолма кўрмас они не ўчун кўз,
Ул ой ўтлуғ юзин оҳса Навоий тегмасун деб кўз,
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт ишра писанд этмас.



Абдулла ОРИПОВ

Жунун манчини манга қиласиз

Ҳузури ишқ Сизга-ю, тавқини кимга иласиз,
Маломат ханжари бирла доим юракни тиласиз,
Нечук ғам устига ғамдур, аҳли ғанимим ила Сиз,
Жамоатеки, жунун манчини манга қиласиз,
Тош отибон не ўчун телбаларга қотиласиз.

Гарибман, васл ўчун дилни гадошгиз қилдим,
Ичгитлик умримни ишқа фидошгиз қилдим.
Агарчи кўрмадим меҳре, дуошгиз қилдим,
Кетинг, кўнгил била жонким, видоъингиз қилдим,
Фироқ агар будурур, эрта кунни кеч қиласиз.

Бўрк дард этди Мажнунга, оломон, ўйланг,
Кетур армонда кўнгул, ман нотавон, ўйланг,
Тўнгилсин ашк каби юлдуз, оламон ўйланг,
Фироқ кунидир, эй кўзлар, эмди қон йўйланг,
Билурми сизки, бу кун не кишидин айриласиз.

Танимни бўйла зах айлаган қон бири, бири ашк,
Не эрди билмам, аё жононки, ғалат сири ашк,
Мени қилурки ғариқи дарё, нетай охири ашк,
Кўзим ҳақини биҳил қилдим, эй жавоҳири ашк,
Ки бори ҳам онгинг-ўқ мақдамига сочиласиз.

Бағирга найзаму доғи яна заҳм битмай,
Кўнгул, дард устина дард, аввали дард кетмай,
Ичқилгум охири бу йўлда эмди сабр етмай,
Фироқ нешлари, вахки яна раҳм этмай,
Нафас-нафас нега мажруҳ ичимга санчиласиз.

Нега ишқ куфрини қилдим, Аллоҳ, нетуб эширай,
Жунун ҳайронлари, дардни, оҳ, нетуб эширай,
Ғалат девоналигим тутса гоҳ, нетуб эширай,
Кўнгил фасоналари Сизни, воҳ нетуб эширай,
Бу навъикам, юз ўза қон ёш ила ёзиласиз.

Келубдур оғзима жоним, қилурман ишқим зикр,
Нетайким; васл эрди орзу, вале дилдордин макр,
Нетсин, Абдулла ҳайрондир, аё пир, айланг фикр,
Навоий ҳажрига қолди, қилинг висолга шукр,
Жамоатеки, севар ёрингиз била биласиз.

Эркин ВОҲИДОВ

Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр

Айрилиқ они яқиндур, кема йўл бонгин ҳолур,
Вах, мени ташлаб фироққа, ёр йироққа йўл олур,
Жон бориб жоно билан, соҳилда бир жисмим қолур,
Ҳар қачонким кемага ул ой сафар-раҳтин солур,
Мавжлиг дарё каби ошуфта кўнглим кўзголур.

Мен нега айтдим, кўнгул, жондин кечиб ёр севма деб,
Сўнг йироққа кетса ташлаб, урма оҳ, дод дема деб,
Кетди ёр, бас энди, ким айтди ёшингни тийма деб,
Ўйлама, эй кўз, недин соҳилга чиқмас кема деб,
Ким ёшинг дарёсидур ҳар боригим эл кўз солур.

Ел турар, йиғлар фалак, бу гулдурак ҳам барқ дема,
Дарди ҳижронимни ўқраб сўзлар осмон ҳар кима,
Жисм аро жондек омонат чайқалиб боргай кема,
Титрабон сиймобдек кўнглим, етар жон оғзима,
Тунд ел таҳриқидин ҳар дамки дарё чайқолур.

Эй фалак, бас, йиғлама, йўқ фойда, ул ой кемада,
Ўртада дарёю мен бу жойда, ул ой кемада,
Келмас энди, ойда не, минг ойда, ул ой кемада,
Сабр кўнгулда, кўнгил ул ойда, ул ой кемада,
Ваҳки, бориб, термулиб кўз, мунграйиб жоним қолур.

Тасканим шулким, кема кўздан йўқолмабдур ҳали,
Бир нафас бор фурсатим ёр йўлига термулгали,
Оҳ, демай, сақлаб нафас, кўзголмайин турдим, вале,
Дам тутилгандин ўлар элдек етибман ўлгали,
Сурмасин деб кемасин, баским, нафаслар асролур.

Эй шамол, жим тур, сало жим, мавжудот, бир лаҳза жим,
Тинғла, олам, тинғла, одам, сен агар бўлсанг-да ким,
Бундур устоз панди: сиймин тандин ўзга сурма сийм,
Кирма савдо баҳрига оламдан истаб судким,
Сийм нақди тушса, лекин умр нақди сийғолур.

Сув қадаҳ, бергил менга жоним ҳақин, эй пири дайр,
Ким қадаҳлар ғарбидан чиқсин ҳақин, эй пири дайр,
Бўрми Эркинга ул устоздин яқин, эй пири дайр,
Ғарқ этар баҳри фано ғам заврақин, эй пири дайр,
Ичгига чунким Навоий бода киштисин олур.

Ҳо ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар

Юзи ўзидин маҳруру ҳам ўзи юзундин,
Киприклари дарс олган эрур икки кўзундин,
Бир жилваси – минг шеваю афсона ҳисендин,
Ўйнай-ўйнай боғлади ўйқумни фусундин,
Ҳо ғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Гул ҳам сени кўрганда чаман ичра уёлиб,
Қолгайму лабинг олдида қонига бўёлиб,
Қаддинг била қатлинг манга ғоятки мунофиб,
Тонг йўқки кўнгил бўлса кўзунг бирла мулоиб,
Мажнунга ажаб йўқ агар оғу била ўйнар.

Соҳлар тунг, юз – ойми, қуёш – анвар ичинда,
Зулфлар ичида бўйнларинг анбар ичинда,
Бўйнунгга боқиб ўлсам агар ғамлар ичинда,
Бир лўлиғи бозигар эрур чанбар ичинда,
Ҳолингким ўшал ҳалқаи гесу била ўйнар.

Дунё ичида бордир азал икки тарафким,
Ул меҳру муҳаббатдир, бири – қаҳру ғазабким,
Ағёр била дўст қўлса агар, қилма сабабким,
Зоҳид била нафс этса тамаллуф, не ажабким,
Ул сайд қилур вақтида тўлқу била ўйнар.

Бу меҳру вафо олам аро кўҳна гурунгким,
Кўнгил тилиган ҳамдаму ёр бирла юрунгким,
Бу умр йўлин сидқу саҳо сори бурунгким,
Муғ дайрида маст ўлса Навоийни кўрунгким,
Бир олма каби гунбади минғу била ўйнар.

Омон МАТЖОН

Аввалгиларга ўхшамас

Ҳарх абзойи бу дам аввалгиларга ўхшамас,
Котибу даврў рақам аввалгиларга ўхшамас,
Энди инсон қадри ҳам аввалгиларга ўхшамас,
Кўнглум ишра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.

Не ўчар юлдузлар ўтди ҳалитиб элни жуда,
Нега авлод йўли-ю умидин айлаб беҳуда,
Даврў мезони билан тортай бу кун ўзимни-да,
Не ситамким қилса раҳм маҳфий эрди зимнида,
Эмди қилса не ситам аввалгиларга ўхшамас.

Бул Жаҳон тун бирла тонг баҳс этар бир ҳужраким,
Воҳ, қуёш савдосига шамлар нечук бўлди ҳаким,
Ишқ, бу – ўз умрим, анга нечук қасамлар ичмаким,
Деманглиг Ширину Лайли онга бор ишқ ичраким,
Ҳубликда ул санам аввалгиларга ўхшамас.

Қай кишиким бир улуғ ишга этибди жон нисор,
Шиддати пасту баланд келганда ҳам бўлмайди ор,
Эй фалак, ҳеч кимни этма бесамар йўлларда хор,
Жавридин эрди аламлар, эмди тутмиш ўзга ёр,
Ўлмишамким, бу алам аввалгиларга ўхшамас.

Она Шарқ тожин кийор! Зулматда ушлатманг менги,
Бодайи ҳақ мастиман, ёлғонга ўйғатманг мени,
Ўз ҳаёлимга қўйинг, ўзгага ишлатманг мени,
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас.

Ҳар кима ҳар хил ёзур Арш Мирзоси сана,
Айланур ойна бу, ҳеч битта иш топмас пана,
Нафс ипига боғлидур руҳ ипларин узган тана,
Қўйнинг эҳромидан кўнглимни ман этманг яна,
Ким анга азми ҳарам аввалгиларга ўхшамас.

Сўкмак ўтганлар ишин нотавонлар расмиким,
Ўз замонин рост этар қаҳми марддир асли ким,
Шу ҳаёт тилсимларин очмоқ омонлар касбиким,
Эй Навоий қилма Жамшиду Фаридун васфиким,
Шоҳ Ғозийга карам аввалгиларга ўхшамас.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-91) 537-61-76
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-91) 233-69-07
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА яқуни – 21:50
Топширилди – 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г – 217.
30611 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6